

ЗОМИН – ТАБИАТИ ВА ТАРИХИ ГЎЗАЛ ЎЛКА

**Zomin tumani, mustaqil tadqiqotchi,
Namozboyev Shuhrat Ibragimovich**

Аннотация: Мазкур мақолада юртимизнинг сулим ва гўзал ўлкаларидан бири булган Зоминнинг табиати ва тарихи хақида суз юритилган.

Калит сузлар: цивилизация, меъморчилик, хунармандчилик ва пазандачилик санъати, зиёрат туризми, зиёратгоҳ, микрорельеф.

ЗОМИН - СТРАНА КРАСИВОЙ ПРИРОДЫ И ИСТОРИИ

**Зоминский район,
независимый исследователь,
Намозбоев Шухрат Ибрагимович**

Аннотация: В данной статье рассказывается о природе и истории Замина, одного из мирных и красивых регионов нашей страны.

Ключевые слова: цивилизация, архитектура, ремесла и кулинария, паломнический туризм, паломничество, микрорельеф.

ZOMIN - A COUNTRY OF BEAUTIFUL NATURE AND HISTORY

**Zomin district, independent researcher,
Namozboyev Shuhrat Ibragimovich**

Abstract: This article describes the nature and history of Zamin, one of the peaceful and beautiful regions of our country.

Keywords: civilization, architecture, crafts and culinary arts, pilgrimage tourism, pilgrimage, microrelief.

Ўзбекистон ўзининг бой тарихи, маданияти, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган олиму, алломалари, беқиёс маданий мерос объектлари,

кадимий меъморчилик, хунармандчилик ва пазандачилик санъати билан бир каторда, зиёрат туризми йўналишида ҳам юксак салоҳиятга эга минтақа хисобланади.

Бу борада мамлакатдаги сўлим ва бетакрор ўзига хос табиатга эга бўлган Зомин алоҳида ўрин тутади.

Ўрта асрларда гуллаб яшнаган ва Буюк Ипак йўли устида жойлашган Уструшонадаги энг катта тарихий шаҳарлардан бири бу – Зомин. Бу шаҳар Ўрта аср араб манбаларида атрофлича ёритилган. Зомин қадимда Сарсанда, Сусанда, Сабза номлари билан ҳам юритилган. У Фарғонадан Суғдга бориш йўлида жойлашган бўлиб, у ерда йўловчилар учун қўноқ бор. Зомин оқар сувли, боғдор ва узумзор жой. Унинг шарқи тоғлар, ғарби эса чўл билан қопланган. Шаҳар Зоминсувнинг ҳар иккала соҳилида жойлашган.

Оға Бургутли ўзининг «Жиззах вилояти зиёратгоҳлари» рисоласида Зомин ҳақида шундай дейди: «Зомин атамаси «Авесто»да тилга олинган «Зомёд» фаровонлик фариштаси номи билан боғланган. Мазкур шаҳарнинг тарихи зардўштий ота-боболаримиз замонаси, милоддан аввалги VII-V асрлар билан ўлчанади».

Ҳозирги Зомин ҳудудида материаллари яхши сақланиб қолган тўрт ёдгорлик бор. Улардан бири Ўрдатепа туман марказининг жанубий қисмида жойлашган. Унинг иккинчи номи Қўрғонтепа эканлиги ҳам маълум.

Навбатдаги ёдгорлик Оқтепа бўлиб, у Зоминсувнинг ўнг соҳилида жойлашган. Қазишма ишлари бу тепалик қорахонийлар даврига тегишли эканлигини кўрсатади. Унинг ғарбий қисмида насронийлар қабристони қолдиқлари ҳам бор.

Ёдгорликнинг микрорельефи унинг чор атрофида зинч уйлар бўлганлигини кўрсатадики, унинг ҳудуди ҳозирги ҳокимият биноси ҳудудига қадар давом этган.

Тўртинчи ёдгорлик Жартепа эса Зоминсувнинг чап соҳилида, Қўрғонтепадан 1,5 км шимолда жойлашган. Ёдгорликнинг шарқий қиялиги сойга томон эниб боради. Унинг пастки қисмидан пахса деворлар қолдиғи

топилган бўлиб, улар илк ўрта асрларга, юқори қисми эса охириги қорахонийлар даврига тегишлидир.

Хулоса қилиб айтганда, тўрт тепадан Ўрдатепа Зоминнинг қадимги ўрнига «даъвогарлик» қилиб турибди. Аммо у «янги шаҳар» эканлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Ўрта асрларда Сарсанда (Сусанда) деб номланган Зомин учун Оқтепа ва Жартепа «Эски шаҳар»нинг қолдиқлари бўлиши мумкин. Азлартепа деб номланувчи карвонсаройга келган карвонлар ва сайёҳлар Пешағор, Аржи ва Аччи (қамишзор аччи дейилади) қишлоқларига яқин жойдан ўтган. Азлартепадан бошланган йўл Чиғириқ қишлоғидаги Мозортепадан ўтиб кетган. Ундан эса Оқтепага, яъни Зомин рустагига (қалъаси) етиб борган. Ундан эса давом этиб, қўшни Сабот қалъасига қараб юрилган.

Зомин тумани, асосан, Туркистон тоғи, қисман Молгузар тоғининг 1000-4030 м гача бўлган баландликларида жойлашган. Унинг геоморфологик ландшафти турлича бўлиб, табиий шароитлари тоғ баландлик поясларига боғлиқ. Айниқса, кенглиги 500 м ва чуқурлиги 450 м тенг бўлган Чўртанга жарлигидаги шаршара, Супа текислиги сайёҳларнинг эътиборини тортиши аниқ.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Уструшона ҳудудидан етишиб чиққан алломалар орасида Зоминда туғилган улуғ зотлар ҳам талайгина.

Улардан Абу Касир Сайф ибн Зоҳид аз-Зоминий, Абу Саҳл Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яздоз ар-Розий аз-Зоминий, Шайх Исрофил аз-Зоҳид аз-Зоминий, Муҳаммад ибн Асад аз-Зоминий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Асад ибн Товус аз-Зоминий, Аҳмад ибн Муҳаммад Руёний шулар жумласидан.

Шу жиҳатдан Зомин қадимий зирёратгоҳ ва муқаддас қадамжоларга бой ҳудуд ҳисобланади.

Бу ерда Зомин шаҳарчасидан 5 километр чамаси узоқликда, Зоминдан тоғ оша Бахмалга борадиган йўл ёқасидаги тепаликда жойлашган «Кўк тўнли ота» зирёратгоҳи, Зомин туманидаги сўлим Пешағор қишлоғининг юқори қисмида жойлашган ва 1291 йилда таваллуд топган улуғ олим Мавлоно Муҳаммад

Пешағорий дафн этилган «Хўжаи Сароб ота» зиёратгоҳи каби 15 дан ортик манзил ўрин олган.

Айтишларича, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Самарқанд тахтини қўлдан бой бериш арафасида Жиззах худудида ўзининг оғир ва таҳликали кунларини бошидан кечирган. Афғонистонга ўтиб кетиш палласида Зоминда ҳам яшаб турганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Бу воқеалар «Бобурнома»да ҳам ўз аксини топган. Ўшанда Бобуршоҳ 15-16 ёшли ўспирин бўлган.

Зоминнинг Бешкуби қишлоғи худудида яна бир ажиб зиёратгоҳ жой олган. Ушбу қишлоқ худудида иккита археологик тепалик бўлиб, бири «Қилич Бурҳониддин авлиё», иккинчиси «Саййид Бурҳониддин авлиё» деб аталади. Ушбу зиёратгоҳларнинг қизиқарли жиҳати шундаки, икки теппаликда ҳам қадимий қабрлар мавжуд бўлиб, уларнинг узунлиги 12-15 метрни ташкил этади.

Зомин шунингдек маданларга бой, шифобаҳш булоқлари билан ҳам машҳурдир. Хусусан, худуддаги Бешбулоқ қишлоғининг устида археологик манзиллар қуршовида жойлашган “Бешбулоқ ота” зиёратгоҳи ўзининг шифобаҳш булоқлари билан машҳур. Бу ердаги тепалик остида ғор-чиллаҳона бўлган.

Маҳаллий аҳоли ҳамда турли ташриф буюрувчилар томонидан Зоминдаги булоқлар қатори у ердаги зиёратгоҳларнинг инсон саломатлигига, баъзи бир касалликларга даво бўлиши айтилади.

Хусусан, Зомин тумани Қушчи болғали қишлоғида жойлашган “Хўжакўндаланг” зиёратгоҳини бунга мисол келтириш мумкин.

Зиёратгоҳни маҳаллий аҳоли Парпи ота деб ҳам атайди. Сабаби ушбу зиёратгоҳга зиёратчилар кўпроқ ёш болаларда учрайдиган, халқ тилидаги «парпи», «нимжонлик», илмий тилдаги «кахекция» касаллигини даволаш учун келади. Парпи (нимжон) касаллиги илмий тилда “кахекция” бўлиб, унинг клиник белгилари моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида боланинг ориқлаб, мускул массасининг камайиб кетиши билан характерланади. Бунда боланинг иштаҳаси тамоман йўқолади, таъм билиш сезгиси бузилади.

Кахекциянинг даражаси касалликнинг пайдо бўлиш сабабларига ва йўқотган оғирлигига қараб белгиланади. Зиёратчилар бу ерга келиб хонақоҳ ёнида жойлашган ғорсимон ғовакдан болани уч маротаба айлантириб, ўзларига хос кичик маросим ўтказиб кетишади. Ривоятларга қараганда, бу ерга ихлос билан келганлар, албатта, шифо топишган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.uzbekistan.travel/uz/o/zomin-milliy-tabiya-bog'i>
2. www.ziyouz.com
3. <https://xabar.uz/jamiyat/tog-urushi-va-makedonskiy-qurgan-shahar-zomi>